



қилиб қўйгандир.

Яъни, инсон тоза ҳавода юриши аъзоларининг соғлом бўлиши учун зарур эканлигини ва бу нарса аъзоларининг узоқ муддат ишлашига сабаб эканлигини ҳис эта олади. Аммо қариндошчилик алоқаларини боғлашнинг соғлом бўлишга ва аъзоларнинг узоқ муддат ишлашига нима алоқаси борлигини ҳис эта олмайди. Охиратга аниқ ишонган мўмин банда ҳар иккаласини ҳам барча нарсага қодир бўлган Зот сабаб қилиб қўйган ва бу бўлиши аниқ, аммо инсоннинг ҳис қилиш аъзолариидрок эта олмайдиган нарсалардандир, деган тушунчада бўлади.

Ушбу ҳадисда ҳам қариндошлик алоқаларини боғлаш, ризқнинг кенг қилинишини ва ажалнинг кечиктирилишини юзага чиқарувчи сабабларидан бири экани баён қилинган. Лекин бу Аллоҳ таолонинг махлуқотларни яратишидан олдин битиб қўйган қадарини ўзгартиради деган маънони эмас, балки “Бунинг умри қариндошлик алоқаларини боғлагани сабабли зиёда қилинади, агар қариндошлик алоқаларини боғламаганида умри қисқа бўларди, бунинг ризқи дуо қилиши сабабли зиёда қилинади, агар дуо қилмаганида ризқи тор бўларди”, деб тақдирнинг азалдан белгилаб қўйилганини ва унинг ҳеч қачон ўзгармаслигини англатади. Яъни бир банданинг қариндошлик алоқаларини боғлаб, умрининг зиёда бўлиш сабабини юзага чиқариши аслида янгидан пайдо бўладиган иш эмас, балки олдиндан белгиланган тақдирдир. Аллоҳ таоло барча нарсаларни билгувчи Зотдир, шунга кўра дуо қилувчини ҳам, исён қилувчини ҳам, итоат қилувчини ҳам, яхши амал қилиб бахтли бўлувчини ҳам барча-барчасини азалдан битиб қўйгандир. Аллома Тафтазонийнинг сўзлари бу тушунчани янада ёрқин ифодалаб беради:

“Аллоҳ таоло банда бу тоатни қилмаганда унинг умри қирқ йил бўлишини, лекин тоатни қилиб умри етмиш йил бўлишини олдиндан билган. Аллоҳ таолонинг илмига кўра бу тоат бўлмаганида мазкур зиёдалик ҳам рўёбга ошмаслиги эътиборидан бу зиёдалик ўша тоатга нисбат берилган” [2].

Шу маънода ҳамма нарса олдиндан ҳал бўлган экан, тақдиримда борини кўраман, дея қўлидан келадиган ишни тарк қилишга ҳам ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки ҳеч ким ўз тақдирига нима ёзиб қўйилганини билмайди, билиш имкони ҳам йўқ. Унинг биладигани, билишга имкони бор нарсаси Аллоҳ таолонинг яхши ишларни қилишга буюриб, ёмон ишлардан қайтарганидир. Шунга кўра у бор имкониятидан фойдаланиб буйруқни бажариш ҳаракатини қилиши лозим. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ



Аллоҳ таолога ҳамду санолар, пайғамбаримиз Муҳаммад мустафога ҳамда у зотнинг аҳли оилаларию саҳобаи киромларига салавот ва саломлар бўлсин.

**Абдулқодир Абдур Раҳим**

[1] Ажал луғатда: “Кейин келмоқ”, “Чегара” каби маъноларни англатади. У тирикликдан кейин келгани ва унинг чегараси бўлгани учун шундай номланган.

[2] Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳу ақоид. – Миср: “Мактабатул Азҳарияту лит турос”, биринчи нашр 1421ҳ. – Б. 92.

[3] Лайл сураси, 5-6-оятлар.